ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

9 ЖИЛД, 12 СОН

# ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 9, НОМЕР 12

# JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 9, ISSUE 12

ТОШКЕНТ-2024

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№12 (2024) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2024-12

**Бош муҳаррир:**
**Главный редактор:**
**Chief Editor:**
**Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna**
yuridik fanlar doktori, professor (O‘zbekiston)

**Бош муҳаррир ўринбосари:**
**Заместитель главного редактора:**
**Deputy Chief Editor:**
**Fayziev Shoxrud Farmonovich**
yuridik fanlar doktori, dotsent (O‘zbekiston)

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

### 12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

**Boboyev Halimboy Boboyevich**
yuridik fanlar doktori, professor (O‘zbekiston)
**Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna**
yuridik fanlar doktori, professor (O‘zbekiston)
**Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna**
yuridik fanlar doktori, professor (O‘zbekiston)
**Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna**
yuridik fanlar doktori, professor (O‘zbekiston)

**Sattorov Abdug‘affor**
yuridik fanlar doktori, professor (O‘zbekiston)
**Artur Gambaryan**
yuridik fanlar doktori, professor (Armaniston)
**Yosuke Shamoto**
yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)

### 12.00.02 - КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ. МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

**Malikova Gulchexra**
yuridik fanlar doktori, professor (O’zbekiston)
**Xusanov Ozod Tillabayevich**
yuridik fanlar doktori, professor (O’zbekiston)
**Selimanova Svetlana Mixaylovna**
yuridik fanlar doktori (O’zbekiston)

**Xvan Leonid Borisovich**
yuridik fanlar doktori, dotsent (O’zbekiston)
**Peshkova Xristina Vyachesloavovna**
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
**Sung Un Lee**
yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

### 12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

**Oqyulov Omonboy**
yuridik fanlar doktori, professor (O’zbekiston)
**Ro‘zinazarov Shuhrat Nuraliyevich**
yuridik fanlar doktori, professor (O’zbekiston)
**Ruziyev Rustam Jabborovich**
yuridik fanlar doktori, professor (O’zbekiston)
**Borotov Mirodiljon Xomudjonovich**
yuridik fanlar doktori, professor (O’zbekiston)

**Toshev Boboqul Norqobilovich**
yuridik fanlar doktori, professor (O’zbekiston)
**Shomuxamedova Zamira Shoislamovna**
yuridik fanlar doktori, (O’zbekiston)
**Ahmad Issa Altweissi**
yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)

### 12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАКАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО, АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW, ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

**Esanova Zamira Normurodovna**
yuridik fanlar doktori, professor (O’zbekiston)
**Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich**
yuridik fanlar doktori, professor (O’zbekiston)

**Jason A.**
Kanton Federal sud markazi (AQSH)

### 12.00.05 - МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

**Usmanova Muborak Akmalxanovna**
yuridik fanlar doktori, professor (O’zbekiston)
**Gasanov Mixail Yuriyevich**
yuridik fanlar doktori, dotsent (O’zbekiston)
**Sattorova Gulnoza Djurakulovna**
yuridik fanlar doktori, dotsent (O’zbekiston)

**Murodova Gulnora**
yuridik fanlar doktori, dotsent (O’zbekiston)
**Denisov Gleb**
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

12.00.06 - ТАБИИЙ РЕСУРСЛАР ҲУҚУҚИ. АГРАР ҲУҚУҚ. ЭКОЛОГИК ҲУҚУҚ / ПРИРОДОРЕСУРСНОЕ ПРАВО; АГРАРНОЕ ПРАВО; ЭКОЛОГИЧЕСКОЕ ПРАВО / NATURAL RESOURCE LAW; AGRARIAN LAW; ENVIRONMENTAL LAW

**Fayziyev Shuxrat Xasanovich**
yuridik fanlar doktori, professor (O‘zbekiston)
**Usmonov Muhammadi Bahridinovich**
yuridik fanlar doktori, professor (O‘zbekiston)
**Xolmuminov Juma**
yuridik fanlar doktori, professor (O‘zbekiston)

**Jo‘rayev Yuldash Achilovich**
yuridik fanlar doktori, professor (O‘zbekiston)
**Skripnikov Nikolay Kuzmich**
yuridik fanlar doktori, dotsent (O‘zbekiston)

12.00.07 - СУД ҲОКИМИЯТИ. ПРОКУРОР НАЗОРАТИ. ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ. АДВОКАТУРА / СУДЕБНАЯ ВЛАСТЬ. ПРОКУРОРСКИЙ НАДЗОР. ОРГАНИЗАЦИЯ ПРАВООХРАНИТЕЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ. АДВОКАТУРА / THE JUDICIAL AUTHORITY. PROSECUTOR SUPERVISION. ORGANIZATION OF LAW ENFORCEMENT ACTIVITIES. ADVOCACY

**Po‘latov Baxtiyor Xalilovich**
yuridik fanlar doktori, professor (O’zbekiston)
**Salomov Baxrom Salomovich**
yuridik fanlar doktori, professor (O’zbekiston)
**Salayev Nodirbek Saparbayevich**
yuridik fanlar doktori, professor (O’zbekiston)
**Osmonaliyev Qayrat**
yuridik fanlar doktori, professor (O’zbekiston)

**Aleksey Kibalnik**
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
**Kudryavtsev Vladislav Leonidovich**
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
**Sergey Shoshin**
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
**James B.**
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

12.00.08 - ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ. КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ / УГОЛОВНОЕ ПРАВО И КРИМИНОЛОГИЯ; УГОЛОВНО-ИСПОЛНИТЕЛЬНОЕ ПРАВО / CRIMINAL LAW AND CRIMINOLOGY; CRIMINALLY-EXECUTIVE LAW

**Rustambayev Mirzayusup Hakimovich**
yuridik fanlar doktori, professor (O’zbekiston)
**Zufarov Rustam Axmedovich**
yuridik fanlar doktori, professor (O’zbekiston)
**Kabulov Rustam**
yuridik fanlar doktori, professor (O’zbekiston)
**Rajabova Mavjuda Abdullayevna**
yuridik fanlar doktori, professor (O’zbekiston)
**Taxirov Farxod**
yuridik fanlar doktori, professor (O’zbekiston)
**Ismailov Isomiddin**
yuridik fanlar doktori, professor (O’zbekiston)

**Hamidov Nurmuhammad Orif o‘g‘li**
yuridik fanlar bo‘yicha falsafa doktori (O’zbekiston)
**Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich**
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
**Djansarayeva Rima Ernatovna**
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog‘iston)
**Yelena Antonyan Aleksandrovna**
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
**Matthew Light**
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)

12.00.09 - ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА. ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ / УГОЛОВНЫЙ ПРОЦЕСС, КРИМИНАЛИСТИКА, ОПЕРАТИВНО-РОЗЫСКНОЕ ПРАВО И СУДЕБНАЯ ЭКСПЕРТИЗА / CRIMINAL PROCEDURE, CRIMINALISTICS, OPERATIVE-SEARCH LAW AND JUDICIAL EXAMINATION

**Inog‘omjonova Zumratxon Fatxullayevna**
yuridik fanlar doktori, professor (O’zbekiston)
**Pulatov Yuriy Safiyevich**
yuridik fanlar doktori, professor (O’zbekiston)
**To‘laganova Gulchehra Zaxitovna**
yuridik fanlar doktori, professor (O’zbekiston)
**Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich**
yuridik fanlar doktori, professor (O’zbekiston)
**Mirazov Davron Miragzamovich**
yuridik fanlar doktori (O’zbekiston)
**Rijakov Aleksandr Petrovich**
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

**Stoyko Nikolay Genadyevich**
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
**Iskandarov Zayniddin**
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
**Sergey Pen**
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog‘iston)
**Aleksey Purs**
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)
**Jurgen Maurer**
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)
**Kevin Curtin**
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

12.00.10 - ХАЛҚАРО ҲУКУК / МЕЖДУНАРОДНОЕ ПРАВО / INTERNATIONAL LAW

**Ismoilov Bahodir Islamovich**
yuridik fanlar doktori, professor (O’zbekiston)
**Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna**
yuridik fanlar doktori, professor (O’zbekiston)

**Yuldasheva Govxerjan**
yuridik fanlar doktori, professor (O’zbekiston)
**Alexander Trunk**
yuridik fanlar doktori, professor (Germanya)

MUSAHHIH: NURMUHAMMAD HAMIDOV
DIZAYN - SAHIFALOVCHI: XURSHID MIRZAXMEDOV

**Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz**
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz**
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

# МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

**1. Xidoyatov Parvizbek Istamovich**
EKSPERIMENTAL TARTIBGA SOLISHNING HUQUQIY TABIATI VA O‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI....................5

**2. Ubaydullayev Abror Qutpilla o‘g‘li**
XIX-XX ASRLARDA ISLOM HUQUQIDA MOLIYA INSTITUTINING RIVOJLANISHIGA TA’SIR KO’RSATGAN SIYOSIY-HUQUQIY JARAYONLAR....................12

**3. Хамдамова Фируза Уразалиевна**
ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ПОЛИТИКИ И ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ НАЦИОНАЛЬНОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН В УСЛОВИЯХ РАЗВИТИЯ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ....................23

**4. Шорахимов Хусан Муроджон ўғли**
ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ НАЗОРАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ....................32

**5. Abdullayev Jamshid Djamilovich**
TIBBIY XIZMAT KO‘RSATISH BO‘YICHA AYRIM SHARTNOMAVIY MUNOSABATLARNI FUQAROLIK HUQUQIY TARTIBGA SOLISHNI TAKOMILLASHTIRISH....................41

**6. Восиев Жамшид Мустафоевич**
ИНСОННИНГ БИОМЕХАНИК ЎЗГАРИШИДА ШАФФОФЛИК ВА ЖАВОБГАРЛИКНИ ОШИРИШ УЧУН РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ....................49

**7. Ашурова Нилуфар Ўктамовна**
ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ ҲИМОЯСИ: ЖИНОЯТЛАР ТУРЛАРИ ВА УЛАРГА НИСБАТАН ЖАВОБГАРЛИК....................63

**8. Давлетмуратов Султанмурат Рустемович**
АЙРИМ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИШ УЧУН ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК: ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ....................75

**9. Хайдаров Шухратжон Джумаевич**
ХАВФ ОСТИДА ҚОЛДИРИШ ЖИНОЯТИНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ЎХШАШ ЖИНОЯТЛАРДАН ФАРҚЛАШ МАСАЛАЛАРИ....................82

**10. Иброхимов Бахтиёр Тойиржонович**
ПРОКУРОРНИНГ ЖИНОЯТ ИШИ ҚЎЗҒАТИШ БОСҚИЧИДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ....................90

**11. Ширинқулов Бахтиёр Ифтихор ўғли**
ҚУРИЛИШДА МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИШ: СУБЪЕКТ ВА ЖАБРЛАНУВЧИ ХУСУСИЯТЛАРИ....................99

**12. Xaydarov Mirsaid Mirjabborovich**
KUCHLI TA’SIR QILUVCHI YOKI ZAHARLI MODDALARNI QONUNGA XILOF RAVISHDA MUOMALAGA KIRITISHGA QARSHI KURASHISHNING AYRIM JIHATLARI....................107

ISSN: 2181-9130
www.tadqiqot.uz
ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

**12.00.08-УГОЛОВНОЕ ПРАВО. КРИМИНОЛОГИЯ. УГОЛОВНО-ИСПОЛНИТЕЛЬНОЕ ПРАВО**

**Ашурова Нилуфар Ўктамовна,**
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети
Жиноий-ҳуқуқий фанлар кафедраси доценти,
Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
E-mail: xti_ng1010@mail.ru

# ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ ҲИМОЯСИ: ЖИНОЯТЛАР ТУРЛАРИ ВА УЛАРГА НИСБАТАН ЖАВОБГАРЛИК

**For citation:** Ashurova Nilufar Uktamovna. PROTECTION OF MINORS: TYPES OF CRIMES AND LIABILITY. Journal of Law Research. 2024, 9 vol., issue 12, pp. 63-74

**http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.14259920**

**АННОТАЦИЯ**

Болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг миллий ва халқаро ҳуқуқий механизмлари таҳлил қилинган. Вояга етмаганларга нисбатан содир этиладиган жиноятларни ҳуқуқий ва криминологик жиҳатдан ўрганиш замонавий жамият учун муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга. Бу турдаги жиноятлар нафақат жабрланувчи бўлган болаларнинг шахсий ҳуқуқларига, балки уларнинг жисмоний, руҳий ва ахлоқий ривожланишига жиддий салбий таъсир кўрсатади. Ушбу илмий мақолада вояга етмаганларга қарши содир этиладиган жиноятлар турлари батафсил таҳлил қилинган, уларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва ҳуқуқий классификацияси асосида ҳуқуқбузарликларга қарши самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқиш масалалари кўриб чиқилган. Мақолада Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодекси қоидаларига асосланиб, жиноятларни мазмунан, жабрланувчи ёши, жиноят содир этувчи шахснинг ижтимоий портрети ва объектив томон таркибига кўра классификациялашнинг назарий-амалий асослари ўрганилган. Бунда миллий ҳуқуқий тизимдаги ҳолат халқаро стандартлар, жумладан, БМТнинг "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенцияси, унга доир Факультатив протоколлар ва бошқа халқаро ҳужжатлар асосида таққосланган. Болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда миллий қонунчиликнинг халқаро мажбуриятлар билан уйғунлигини таъминлашга оид ҳуқуқий ечимлар таклиф этилган. Шунингдек, тадқиқотда жиноятларнинг классификацияси уларнинг ижтимоий хавфлилик даражасини аниқлаш, ҳуқуқий тадбирларни пухта режалаштириш ва жазо чораларини белгиланишида ҳал қилувчи аҳамият касб этиши таъкидланган. Болаларга нисбатан зўравонлик, эксплуатация, жинсий зўравонлик ва руҳий босим каби жиноятларга қарши профилактика чораларини такомиллаштириш мақсадида ижтимоий-психологик ёрдам марказларини ташкил этиш, хавф баҳолаш дастурларини ишлаб чиқиш ва бу жараёнларда таълим ва жамоатчилик хабардорлигини оширишга қаратилган стратегиялар ишлаб чиқиш муҳимлиги кўрсатилган. Тадқиқот натижаларига кўра, вояга етмаганларга нисбатан содир этиладиган жиноятларнинг классификацияси нафақат ҳуқуқий амалиётни

такомиллаштиришда, балки жамият хавфсизлигини таъминлаш ва жабрланувчи шахсларнинг ҳуқуқларини мустаҳкам ҳимоя қилишда самарали механизм яратишга хизмат қилиши таъкидланган. Бу илмий иш вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиришга қаратилган долзарб тавсиялар билан бойитилган. Мақолада вояга етмаганларга нисбатан содир этиладиган жиноятларнинг турлари таҳлил қилиниб, уларга нисбатан ҳуқуқий ва криминологик ёндашувлар ўрганилган. Жиноятларнинг таснифи уларга қарши самарали чоралар ишлаб чиқиш ва олдини олиш механизмларини такомиллаштириш учун асосий омил экани таъкидланган.

**Калит сўзлар:** вояга етмаганлар, жиноятлар таснифи, ҳуқуқий ҳимоя, криминология, болалар ҳуқуқлари, жисмоний зўравонлик, руҳий зўравонлик, жинсий эксплуатация, ҳуқуқий механизмлар, болалар ҳуқуқлари ҳимояси, жиноятчиликнинг олдини олиш, халқаро ҳуқуқ, миллий қонунчилик, болаларни муҳофаза қилиш, жамоат хавфсизлиги, профилактика чоралари, жабрланувчи, ижтимоий хавф, жиноятчи шахси, ҳуқуқий тадқиқот.

---

**Ашурова Нилуфар Уктамовна,**
Доцент кафедры уголовно-правовых дисциплин
Университета общественной безопасности Республики Узбекистан,
кандидат юридических наук (PhD).
E-mail: xti_ng1010@mail.ru

# ЗАЩИТА НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ: ВИДЫ ПРЕСТУПЛЕНИЙ И ОТВЕТСТВЕННОСТЬ

**АННОТАЦИЯ**

В статье анализируются национальные и международные правовые механизмы защиты прав детей. Изучение преступлений, совершаемых в отношении несовершеннолетних, с юридической и криминологической точки зрения имеет важное научное и практическое значение для современного общества. Такие преступления оказывают не только серьезное негативное воздействие на личные права пострадавших детей, но и препятствуют их физическому, психическому и нравственному развитию. В данной научной статье подробно рассматриваются виды преступлений против несовершеннолетних, а также вопросы разработки эффективных мер противодействия правонарушениям на основе их классификации по степени общественной опасности и юридическим характеристикам. На основе положений действующего Уголовного кодекса Республики Узбекистан изучены теоретико-практические основы классификации преступлений по их содержанию, возрасту жертвы, социальному портрету преступника и объективной стороне состава преступления. При этом состояние национальной правовой системы сопоставлено с международными стандартами, включая Конвенцию ООН о правах ребенка, факультативные протоколы к ней и другие международные документы. Предложены правовые решения, направленные на обеспечение согласованности национального законодательства с международными обязательствами в области защиты прав детей. Также подчеркивается ключевая роль классификации преступлений в определении степени их общественной опасности, планировании правовых мероприятий и установлении мер наказания. В статье акцентируется внимание на необходимости совершенствования мер профилактики таких преступлений, как насилие, эксплуатация, сексуальное насилие и психологическое давление в отношении детей, посредством создания центров социально-психологической помощи, разработки программ оценки рисков и стратегий, направленных на повышение осведомленности общества и развитие образовательных инициатив. По результатам исследования подчеркивается, что классификация преступлений против несовершеннолетних способствует не только совершенствованию правоприменительной практики, но и созданию эффективного механизма обеспечения общественной безопасности и защиты прав пострадавших. Работа включает актуальные рекомендации по усилению правовой защиты несовершеннолетних. В статье анализируются виды преступлений против несовершеннолетних, а также юридические и

криминологические подходы к их изучению. Классификация преступлений рассматривается как основной фактор в разработке эффективных мер противодействия и совершенствовании механизмов предотвращения преступности.
**Ключевые слова:** несовершеннолетние, классификация преступлений, правовая защита, криминология, права детей, физическое насилие, психологическое насилие, сексуальная эксплуатация, правовые механизмы, защита прав детей, предупреждение преступности, международное право, национальное законодательство, защита детей, общественная безопасность, профилактические меры, жертва, общественная опасность, личность преступника, юридическое исследование.

---

**Ashurova Nilufar Uktamovna,**
Associate Professor of the Department of Criminal Law Disciplines
at the Public Safety University of the Republic of Uzbekistan,
Doctor of Philosophy in Law (PhD).
E-mail: xti_ng1010@mail.ru

## PROTECTION OF MINORS: TYPES OF CRIMES AND LIABILITY

**ANNOTATION**
The article analyzes national and international legal mechanisms for protecting children's rights. The study of crimes committed against minors from a legal and criminological perspective holds significant scientific and practical importance for modern society. Such crimes not only severely infringe on the personal rights of child victims but also negatively impact their physical, mental, and moral development. This scientific article provides a detailed analysis of the types of crimes against minors and examines the development of effective countermeasures based on their classification by the degree of social danger and legal attributes. The theoretical and practical foundations of classifying crimes based on their content, the victim’s age, the perpetrator's social profile, and the objective aspect of the crime were studied using the provisions of the current Criminal Code of the Republic of Uzbekistan. The state of the national legal system was compared with international standards, including the UN Convention on the Rights of the Child, its Optional Protocols, and other international instruments. Legal solutions were proposed to ensure the alignment of national legislation with international obligations in protecting children's rights. The article also emphasizes the critical role of crime classification in determining their social danger, planning legal measures, and imposing penalties. The necessity of improving preventive measures against crimes such as violence, exploitation, sexual abuse, and psychological pressure on children is highlighted. This includes establishing social and psychological assistance centers, developing risk assessment programs, and strategies aimed at raising public awareness and educational initiatives. The study concludes that classifying crimes against minors not only improves legal practice but also creates an effective mechanism for ensuring public safety and protecting the rights of victims. The work is enriched with relevant recommendations aimed at strengthening the legal protection of minors. The article examines the types of crimes against minors and explores legal and criminological approaches to their study. The classification of crimes is viewed as a key factor in developing effective countermeasures and improving crime prevention mechanisms.
**Keywords:** minors, crime classification, legal protection, criminology, children's rights, physical violence, psychological violence, sexual exploitation, legal mechanisms, child rights protection, crime prevention, international law, national legislation, child protection, public safety, preventive measures, victim, social danger, perpetrator's profile, legal research.

---

Жамиятнинг барқарорлиги ва келажагини таъминлаш учун ёш авлодни ҳимоя қилиш долзарб масала ҳисобланади. Вояга етмаганларга нисбатан жиноятлар уларнинг шахсий, жисмоний ва руҳий ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бу турдаги

жиноятларнинг таснифланиши уларга қарши кураш ва профилактика механизмларини такомиллаштириш учун муҳим аҳамиятга эга.

Айни пайтда Ўзбекистонда ёшга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг манфаатларини таъминлаш борасидаги долзарб муаммолардан бири — болаларга нисбатан зўравонлик ва шафқатсиз муомала муаммосидир. Бу муаммо БМТнинг Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияси[6]да мустаҳкамланган ҳаёт ва соғлик ҳуқуқининг қўпол равишда бузилишига олиб келади.

Ўзбекистонда Болалар ҳуқуқлари бўйича ваколатли вакили маълумотларига кўра, 2024 йилда зўравонлик қурбони бўлган вояга етмаганлар сони 45 мингдан ортиқни ташкил этган. Содир этилган жиноятлар натижасида 723 нафар бола ҳалок бўлган, мингдан ортиқ бола эса оғир тан жароҳати олган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси[7] ва бошқа қонун ҳужжатлари ҳар бир боланинг шахсий ҳуқуқлари ва эркинликларини тўлиқ ҳимоя қилишни назарда тутади. Булар боланинг жисмоний, руҳий ва ахлоқий ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни таъминлашга қаратилган.

Ҳар бир бола шахс сифатида муайян ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, улар давлат томонидан қонунан кафолатланади. Бу ҳуқуқий кафолатлар болаларнинг жамиятдаги ўрнини белгилаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва келажакдаги ижтимоий ҳаётини таъминлашга хизмат қилади.

Конституциядан ташқари, "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам болаларнинг ҳуқуқларини аниқлайди ва ҳимоя қилади. Бу ҳужжатларда болаларнинг ҳаёти, соғлиғи, таълим олиш ва зўравонликдан ҳимоя қилиш ҳуқуқлари белгилаб қўйилган.

Юқоридаги қонунчиликларга асосан, болаларга кафолатланган ҳуқуқларни қуйидаги асосий турларга бўлиш мақсадга мувофиқ:

Жисмоний ва руҳий соғлиққа бўлган ҳуқуқлар: ҳар бир бола ўз жисмоний ва руҳий соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш ҳуқуқига эга. Давлат болаларни зарарли таъсирлардан ҳимоя қилиш, тиббий ёрдамга эга бўлиш имкониятини яратиш орқали уларнинг соғлиғини ҳимоя қилади.

Таълим олиш ҳуқуқи: таълим ҳар бир боланинг асосий ҳуқуқларидан бири бўлиб, давлат унинг сифати ва барча болалар учун мавжудлигини таъминлаши шарт. Болаларнинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш уларнинг шахсий ва касбий ривожланишига шароит яратади.

Зўравонлик ва эксплуатациядан ҳимоя: ҳар бир бола зўравонлик, эксплуатация ва қийноқлардан ҳимояланган. Бу ҳуқуқларнинг амалга оширилиши болаларнинг ҳуқуқий ҳимоясини мустаҳкамлаш ва уларнинг манфаатларини муҳофаза қилишга хизмат қилади.

Оиладаги ҳуқуқлар: болалар оиладаги муҳитда ўсиш ва тарбия олиш ҳуқуқига эга. Ота-оналарнинг фарзандларига нисбатан масъулияти ва бурчлари қонун билан тартибга солинган бўлиб, улар болаларнинг ривожланиши ва тарбиясига алоҳида эътибор қаратиши шарт.

Демак, вояга етмаганларнинг жисмоний, ахлоқий ва руҳий ривожланиши учун шарт-шароитларни яратиш ҳамда кафолатланган ҳуқуқлар асосида уларга нисбатан содир этилган жиноятларнинг таснифланишини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Зеро, вояга етмаганларга нисбатан содир этиладиган жиноятлар – бир қатор қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга, хусусан: жисмоний ривожланишга зиён етиши билан (вояга етмаганларга жисмоний зарар етказувчи жиноятлар, масалан, зўравонлик ёки қотиллик, уларнинг соғлиғи ва умрига хавф туғдирад), руҳий ривожланишга зиён етиши билан (руҳий босим, қўрқитиш ва таҳқирлаш каби жиноятлар болаларнинг психологик ҳолатига узоқ муддатли салбий таъсир кўрсатади), ахлоқий ривожланишга зиён етиши билан: (болаларни жиноий фаолиятга жалб қилиш, фоҳишаликка мажбурлаш ёки гиёҳвандликка жалб қилиш каби жиноятлар уларнинг ахлоқий-этик қадриятларини бузади)

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, вояга етмаганларга нисбатан жиноятларнинг объекти жамиятдаги ўзига хос муносабатлар ҳисобланади, улар вояга етмаганларнинг

ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга, шунингдек, уларнинг жисмоний, руҳий ва ахлоқий ривожланишини таъминлашга қаратилган. Бу жиноятлар нафақат вояга етмаганларнинг шахсий ҳуқуқларига, балки уларнинг оиласидаги ва жамиятдаги муносабатларига ҳам таъсир кўрсатади. Мазкур муносабатларнинг тўғри шаклланиши ва сақланиши учун ҳуқуқ-тартибот органлари, оила ва жамиятнинг барча қатламлари ҳамкорликда иш олиб бориши зарур.

А.В.Виноградов ва Р.В.Полтарыгинлар вояга етмаганларга қарши жиноятларни қуйидаги турларга бўлиш орқали таснифлашган:

вояга етмаганлар шахсига қарши жиноятлар (шахсга қарши жиноятлар);

вояга етмаганларни жиноят содир этиш ёки бошқа ижтимоий маънода салбий ҳаракатларга жалб қилиш билан боғлиқ жиноятлар;

вояга етмаганларнинг руҳий ва жисмоний ривожланишига қарши жиноятлар;

вояга етмаганларнинг мулкий ҳуқуқларига тажовуз қилувчи жиноятлар;

вояга етмаганларнинг ота-оналари билан яшаш ва оилада тарбияланиш ҳуқуқини бузувчи жиноятлар;

вояга етмаганларнинг тарбия, ғамхўрлик ва мажбурий молиявий қўллаб-қувватлаш ҳуқуқини бузувчи жиноятлар[1].

Вояга етмаганларга нисбатан жиноятларнинг туркумланиши бўйича илмий фикрлар қуйидаги тарзда баён этилган:

А.Е.Якубовнинг фикрича, Жиноят Кодексида вояга етмаганларга нисбатан жиноятларнинг туркумланишини қуйидаги асосий гуруҳларга ажратиш мумкин:

Вояга етмаганларни жиноят ёки антижамият фаолиятига жалб қилишга сабаб бўлувчи жиноятлар;

Вояга етмаганларнинг нормал ривожланишига тўсқинлик қилувчи жиноятлар;

Вояга етмаганларнинг соғлиғи, ахлоқий ва маънавий ривожланишига зиён етказувчи жиноятлар[9].

Н.И.Ветров таъкидлаганидек эса, жиноятлар орасида вояга етмаганларга нисбатан қасд қилиш ҳолатлари, шунингдек, уларнинг жамиятдаги ижтимоий ҳимояланганлик даражаси инобатга олиниши лозим. Унинг фикрича, бундай жиноятларни оғир жиноятлар сифатида таснифлаш зарур, чунки ёшга етмаганлар жамиятнинг энг ҳимояга муҳтож қатламларидан биридир[10].

Вояга етмаганларга нисбатан содир этиладиган жиноятларнинг таснифи катта аҳамиятга эга, чунки бу тасниф жиноятчиликка қарши самарали курашишнинг ҳуқуқий, ижтимоий ва профилактик усулларини ишлаб чиқиш имконини беради. Юқорида тилга олинган олимлар томонидан кўрсатилган биринчи тоифага кирувчи жиноятлар, масалан, вояга етмаганларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки руҳиятига бевосита зарар етказувчи ҳаракатлар орқали содир этилади ва уларга нисбатан жазони кучайтириш лозим, чунки уларнинг таъсири узоқ муддатли ва хавфлидир. Иккинчи тоифа жиноятлар вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликларга бўлган муносабатини салбий томонга ўзгартириш билан боғлиқ, шу сабабли, профилактик чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этади. Учинчи ва тўртинчи тоифа жиноятлар эса вояга етмаганларнинг ижтимоий шароитлар ва мулкий ҳуқуқлар билан боғлиқ ривожланишига таъсир қилади ва уларга қарши ҳуқуқий чораларни қўллаш орқали ижтимоий адолатни таъминлаш зарур. Шунингдек, А.В.Виноградов ва Р.В.Полтарыгиннинг мазкур таснифи оилавий муносабатларга ва ижтимоий тарбияга оид жиноятларнинг моҳиятини ҳам ёритади. Оилада тарбияланиш ва моддий қўллаб-қувватлашга бўлган ҳуқуқларнинг бузилиши нобoлаларнинг ижтимоий ривожланишига жиддий салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу нуқтаи назардан, ушбу таснифнинг ҳуқуқий амалиётда қўлланилиши профилактик тадбирларни яхшилаш ва жиноятларнинг олдини олиш учун муҳимдир.

БМТнинг “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенцияси[2] (1989 йилда қабул қилинган, 1994 йил 29 июлда ратификация қилинган): болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда асосий халқаро ҳужжат ҳисобланиб, унда болаларга нисбатан содир этилиши мумкин бўлган

жиноятларнинг олдини олишга қаратилган қатор тадбирлар ва талаблар кўзда тутилган. Мазкур Конвенциянинг 19 ва 34-моддаларида болаларга нисбатан жисмоний, руҳий ва жинсий зўравонлик, эксплуатация, бепарволик ва суиистеъмолликка қарши ҳимоя масалаларига алоҳида эътибор берилган.

Конвенциянинг ушбу моддалари асосида вояга етмаганларга нисбатан содир этиладиган жиноятлар қуйидаги тоифаларга ажратилиши мумкин:

1. Жисмоний зўравонликка асосланган жиноятлар. Жисмоний зўравонлик боланинг саломатлигига ва ривожланишига зарар етказувчи ҳаракатларни ўз ичига олади.

2. Рўҳий зўравонликка асосланган жиноятлар. Руҳий зўравонлик боланинг психикасига салбий таъсир кўрсатиш ёки унинг эмоционал ривожланишини бузишга қаратилган ҳаракатлардир (масалан, таҳдид, руҳий мажбурлаш).

3. Жинсий эксплуатация ва жинсий зўравонликка асосланган жиноятлар. Яъни болани жинсий эксплуатация ёки қонунга зид жинсий фаолиятда иштирок этишга мажбурлаш, порнографик материаллар яратишда фойдаланиш – боладан порнография ёки порнографик материалларни яратишда фойдаланиш.

4. Бепарволик ва қарамликдан маҳрум қилишга асосланган жиноятлар. Бепарволик боланинг базавий эҳтиёжларини қондирмаслик ёки унинг соғлиги ва хавфсизлигига эътиборсизлик қилишни ўз ичига олади.

Ушбу классификация болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида содир этилиши мумкин бўлган жиноятларни аниқлаш ва уларга қарши қонуний, ижтимоий ҳамда тарбиявий чораларни кўриш имконини беради. БМТ Конвенциясига мувофиқ, давлатлар болаларнинг ҳар қандай шаклда зўравонлик ва эксплуатацияга дучор бўлишига қарши қонунчилик ва ижтимоий механизмларни яратишга мажбурдирлар.

“Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенцияга[3] Болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографияси билан боғлиқ Факультатив протокол (2000 йилда қабул қилинган, 2009 йил 23 январда ратификация қилинган)да вояга етмаганларга нисбатан содир этилиши мумкин бўлган жиноятлар қуйидаги тоифаларга таснифланади: болалар савдоси, яъни болаларни қасддан сотиш, уларни эксплуатация қилиш ёки ноқонуний равишда транспортировка қилиш; болалар фоҳишабозлиги – болаларни жинсий эксплуатация ёки фоҳишаликка жалб қилиш; болалар порнографияси – болаларни порнографик материаллар яратиш, тарқатиш ёки сақлашда фойдаланиш; болаларнинг жинсий эксплуатациясига қаратилган бошқа шакллар, жумладан, жинсий зўравонлик ва мажбурий жинсий фаолиятга жалб қилиш; шунингдек, болаларнинг умумий ҳуқуқлари ва хавфсизлигига таҳдид солувчи бошқа жиноятлар, жумладан, психологик босим ва ноқонуний меҳнат эксплуатацияси.

БМТ Бош Ассамблеясининг “Болаларни ҳақоратлашдан ҳимоялаш” Резолюцияси асосида вояга етмаганларга нисбатан содир этилиши мумкин бўлган жиноятлар қуйидаги тоифаларда таснифланади: болаларни мактабларда жисмоний ва руҳий зўравонлик, таҳқирлашдан ҳимоя қилиш, уларнинг таълимга бўлган ҳуқуқларини чеклашдан сақлаш; зўравонлик ва таҳқирлашга оид аниқ статистик маълумотларни тўплашдаги масъулиятсизлик ёки маълумотни яшириш; жамоатчилик хабардорлигини ошириш орқали болаларни ҳимоялаш чораларини кўришдан четланиш; интернет орқали таҳдид қилиш ва кибербуллингга қарши курашишдаги етишмовчилик. Ушбу классификация болаларни турли жиноий ҳаракатлардан ҳимоя қилиш учун муҳим асос бўлиб, давлатларни самарали чоралар кўришга рағбатлантиради.

БМТнинг “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенцияси[6] ва унга боғлиқ Факультатив протоколлар[3], шунингдек, болаларни ҳақоратлашдан ҳимоя қилиш бўйича Бош Ассамблея Резолюцияси болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлатларнинг халқаро мажбуриятларини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу ҳужжатлар давлатларга болаларга нисбатан ҳар қандай зўравонлик ва эксплуатацияга қарши курашишда аниқ йўналишларни тақдим этади. Конвенциянинг 19 ва 34-моддаларига асосланган тасниф болаларга жисмоний, руҳий ва жинсий зўравонлик, эксплуатация ва бепарволикка қарши чоралар кўришга қаратилган бўлса, Факультатив протокол болалар савдоси, фоҳишабозлиги

ва порнографияси билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олишга қаратилган. Бош Ассамблеянинг резолюцияси эса болаларни таҳқирлаш, уларнинг таълим ҳуқуқини чеклаш, жамоатчилик хабардорлигини ошириш ва интернет орқали таҳдидларнинг олдини олишдаги етишмовчиликларга алоҳида эътибор қаратади.

Умуман олганда, ушбу ҳужжатлар болаларга нисбатан содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг олдини олиш ва ҳимоя чораларини кучайтиришга қаратилган ҳуқуқий, ижтимоий ва маърифий чораларнинг муҳим таснифини тақдим этади. БМТ талабларига кўра, ҳар бир давлат болалар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш учун зарур қонунчилик ва ижтимоий механизмларни яратиши, болаларнинг хавфсиз ва соғлом муҳитда ривожланишига йўл қўйиш учун масъулдир. Бу ёндашув халқаро даражада болалар ҳуқуқлари бўйича самарали ва тизимли ҳимояни таъминлашга хизмат қилиши билан муҳимдир.

Амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси Махсус қисм нормаларини таҳлил қилар эканмиз, вояга етмаганларга нисбатан содир этиладиган жиноятларни бир неча мезонларга кўра таснифлашни лозим топдик. Хусусан:

**1. Жиноятлар (тажовуз) мазмунига кўра:** жисмоний зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар; жинсий зўравонлик жиноятлари; ахлоққа қарши жиноятлар; вояга етмаганларни жиноятга жалб этиш билан боғлиқ жанятлар.

Жиноятлар (тажовуз) мазмунига кўра тансифланган жиноятлар турларига қуйидаги моддалар тегишли, яъни: жисмоний зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар – ЖК 97-моддаси (Қасддан одам ўлдириш) иккинчи қисми “в” банди; ЖК 99-моддаси (Онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдириши); ЖК 103-моддаси (ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш) иккинчи қисми “б” банди; ЖК $103^1$-моддаси (ўзини ўзи ўлдиришга ундаш) иккинчи қисми “а” банди; ЖК 110-моддаси (қийнаш) иккинчи қисми “а” банди; ЖК $115^1$-моддаси (Инсонни ундан аъзоларини ва (ёки) тўқималарини трансплантация учун олишга розилик беришга мажбурлаш) иккинчи қисми; ЖК $126^1$-моддаси (Оилавий (маиший) зўравонлик); ЖК 235-моддаси (қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш) иккинчи қисми “д” банди; ЖК 277-моддаси (Безорилик) иккинчи қисми “д” банди. Жинсий зўравонлик жиноятлари 118-моддаси (номусга тегиш) учинчи қисми “а”банди, тўртинчи қисми; ЖК 119-моддаси (жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш) учинчи қисми “а”банди, тўртинчи қисми; ЖК 121-моддаси (Шахсни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш) учинчи қисми “а” банди; ЖК 128-моддаси (ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш); ЖК $128^1$-моддаси (ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсга моддий қимматликлар бериш ёхуд уни мулкий манфаатдор этиш орқали у билан жинсий алоқа қилиш); ЖК 129-моддаси (ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилиш). Ахлоққа қарши жиноятлар – ЖК 122-моддаси (вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш); ЖК $122^1$-моддаси (Болани чет давлат ҳудудида назоратсиз қолдириш); ЖК 124-моддаси (Болани алмаштириб қўйиш); ЖК 125-моддаси Фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш); ЖК 130-моддаси (Порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш) учинчи қисми; ЖК 131-моддаси (қўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлаш) тўртинчи қисми “а” банди. Вояга етмаганларни жиноятга жалб этиш билан боғлиқ жаноятлар - ЖК 127-моддаси (Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш); $127^1$-моддаси (Тиланчилик қилиш) иккинчи қисми; ЖК 145-моддаси (Виждон эркинлигини бузиш) иккинчи қисми; ЖК $216^1$-моддаси (Ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар фаолиятида қатнашишга ундаш) иккинчи қисми; ЖК $244^2$-моддаси (Диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш) иккинчи қисми “б” банди; ЖК 278-моддаси (Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш) учиничи қисми. Вояга етмаганларнинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматига қарши жиноятлар - ЖК 135-моддаси (одам савдоси) учинчи қисми “а” банди; ЖК 137-моддаси (одам ўғрилаш) иккинчи қисми “а” банди; ЖК $141^3$-моддаси (Шахснинг шаънини ва қадр-қимматини камситувчи ҳамда инсон ҳаётининг сир тутиладиган томонларини акс

эттирувчи маълумотларни ошкор қилиш) иккинчи қисми “в” банди; ЖК 148$^{1}$-моддаси (вояга етмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланишга йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги талабларни бузиш); ЖК 148$^{2}$-моддаси (меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаш) иккинчи қисми; ЖК 245-моддаси (шахсни гаров сифатида тутқунликка олиш) иккинчи қисми “а” банди.

Бу тасниф орқали жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражасини аниқлашда, уларни аниқ тартибга солишда ва жиноятчиликка қарши самарали кураш чораларини ишлаб чиқишда муҳим омил ҳисобланади. Бундай таснифлаш жиноят қонунчилигини тизимлаштириш ва унинг ижтимоий фойдалилигини оширишга ёрдам беради. Ҳар бир жиноят турининг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш орқали жиноятларга қарши курашда амалий ва назарий аҳамият касб этадиган чора-тадбирлар ишлаб чиқилади. Шунингдек, жиноятларни таснифлаш орқали уларнинг келиб чиқиш сабаблари, оқибатлари ва уларни бартараф этиш бўйича стратегик тадбирлар ишлаб чиқиш имконияти пайдо бўлади.

**2. Жабрланувчи ёшига кўра:** 14 ёшга тўлмаган шахсга нисбатан; 14-16 ёшгача вояга етмаган шахсларга нисбатан ва 16-18 ёшгача вояга етмаган шахсларга нисбатан.

Жабрланувчи ёшига кўра таснифлаши:

14 ёшга тўлмаган шахсга нисбатан: ЖК 97-моддаси (Қасддан одам ўлдириш) иккинчи қисми “в” банди “ожиз аҳвол”даги шахсга нисбатан, амалиётда бу тоифа шахслар 7-10 ёшдагилар ҳисобланади; ЖК 99-моддаси (Онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдириши) - жабрланувчи фақатгина чақалоқ бўлиши мумкин. Одатда, туғилишнинг бошланиши ва она қорнидан чиқиб ҳаётга кириб келиш вақтидан то 4 ҳафталиккача чақалоқлик деб ҳисобланади[4]. Суд тиббиёти назарида, чақалоқлик жуда қисқа вақтдир; чақалоқ деб туғилгандан сўнг 1 суткагача яшаган гўдак ҳисобланади[5]; 118-моддаси (номусга тегиш) тўртинчи қисми; ЖК 119-моддаси (жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабий усулда қондириш) тўртинчи қисми; ЖК 124-моддаси (Болани алмаштириб қўйиш);

14-16 ёшгача вояга етмаган шахсларга нисбатан: ЖК 128-моддаси (ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш); ЖК 129-моддаси (ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилиш)

16-18 ёшгача вояга етмаган шахсларга нисбатан: ЖК 103-моддаси (ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш) иккинчи қисми “б” банди; ЖК 103$^{1}$-моддаси (ўзини ўзи ўлдиришга ундаш) иккинчи қисми “а” банди; ЖК 110-моддаси (қийнаш) иккинчи қисми “а” банди; ЖК 113-моддаси (Таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатиш); ЖК 115$^{1}$-моддаси (Инсонни ундан аъзоларини ва (ёки) тўқималарини трансплантация учун олишга розилик беришга мажбурлаш) иккинчи қисми; 118-моддаси (номусга тегиш) учинчи қисми “а”банди; ЖК 119-моддаси (жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабий усулда қондириш) учинчи қисми “а”банди; ЖК 121-моддаси (Шахсни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш) учинчи қисми “а” банди; 122-моддаси (вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш); ЖК 122$^{1}$-моддаси (Болани чет давлат ҳудудида назоратсиз қолдириш); ЖК 125-моддаси Фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш); ЖК 126$^{1}$-моддаси (Оилавий (маиший) зўравонлик); ЖК 127-моддаси (Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш); 127$^{1}$-моддаси (Тиланчилик қилиш) иккинчи қисми; ЖК 128$^{1}$-моддаси (ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсга моддий қимматликлар бериш ёхуд уни мулкий манфаатдор этиш орқали у билан жинсий алоқа қилиш); ЖК 130-моддаси (Порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш) учинчи қисми; ЖК 131-моддаси (қўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлаш) тўртинчи қисми “а” банди; ЖК 135-моддаси (одам савдоси) учинчи қисми “а” банди; ЖК 137-моддаси (одам ўғрилаш) иккинчи қисми “а” банди; ЖК 141$^{3}$-моддаси (Шахснинг шаънини ва қадр-қимматини камситувчи ҳамда инсон ҳаётининг сир тутиладиган томонларини акс эттирувчи маълумотларни ошкор қилиш) иккинчи қисми “в” банди; ЖК 145-моддаси (Виждон эркинлигини бузиш) иккинчи қисми; ЖК 148$^{1}$-моддаси (вояга етмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланишга йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги талабларни бузиш); ЖК 148$^{2}$-моддаси (меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаш) иккинчи қисми;

ЖК 216[1]-моддаси (Ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар фаолиятида қатнашишга ундаш) иккинчи қисми; ЖК 235-моддаси (қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш) иккинчи қисми “д” банди; ЖК 244[2]-моддаси (Диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш) иккинчи қисми “б” банди; ЖК 277-моддаси (Безорилик) иккинчи қисми “д” банди; ЖК 278-моддаси (Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш) учиничи қисми.

Жабрланувчиларнинг ёшига қараб жиноятларни таснифлаш уларнинг ижтимоий хавфлилик даражасини аниқлашда ва жазо чораларини белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу тасниф қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида жабрланувчи ёшига мос равишда жиноятларни тадқиқ этишга имкон беради.

14 ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан жиноятларда жабрланувчилар жуда катта ҳимояга муҳтождир, чунки уларнинг жисмоний, руҳий ва ижтимоий ривожланиши алоҳида эътибор талаб қилади. Хусусиятлари: Жабрланувчиларнинг жуда ёш бўлиши уларнинг ўзини ҳимоя қилиш қобилиятини чеклайди. Жиноятлар уларнинг ҳаёти, соғлиғи ва маънавий ривожланишига жиддий зарар етказади.

14-16 ёшгача вояга етмаган шахсларга нисбатан жиноятларда жабрланувчилар жисмонан ривожланган бўлиши мумкин, аммо маънавий ва руҳий жиҳатдан ҳимояга муҳтождир. Шу боис бу ёшдаги шахсларга нисбатан содир этилган жиноятлар ҳам жиддий ижтимоий хавфга эга. Хусусиятлари: Жабрланувчилар шахсий ва ижтимоий шаклланиш жараёнида бўлади. Жиноятлар уларнинг руҳий ривожланишига таъсир қилади.

16-18 ёшгача вояга етмаган шахсларга нисбатан жиноятларда жабрланувчилар аллақачон шахс сифатида шаклланган бўлса-да, уларга нисбатан содир этилган жиноятлар ҳам ижтимоий хавфлидир. Хусусиятлари: Жабрланувчилар муайян даражада жавобгарлик қобилиятига эга, аммо ҳимояга муҳтож. Жиноятлар уларнинг шахсий ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қимматига жиддий зарар етказади.

**3. Жиноятчи шахслар таснифига кўра:** яқин қариндошлари томонидан; яқинлари томонидан; тарбиясигасига масъул шахслар томонидан; бегона шахслар томонидан (криминологик таҳлил).

**4. Жиноят объектив томон таркибига кўра:** асосий таркибли (бевосита) ва оғирлаштирувчи таркибли (билвосита).

Жиноят объектив томон таркибига кўра таснифланиши. **асосий таркибли (бевосита):** ЖК 99-моддаси (Онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдириши); ЖК 122-моддаси (вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш); ЖК 122[1]-моддаси (Болани чет давлат ҳудудида назоратсиз қолдириш); ЖК 124-моддаси (Болани алмаштириб қўйиш); ЖК 125-моддаси Фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш); ЖК 126[1]-моддаси (Оилавий (маиший) зўравонлик); ЖК 128-моддаси (ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш); ЖК 128[1]-моддаси (ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсга моддий қимматликлар бериш ёхуд уни мулкий манфаатдор этиш орқали у билан жинсий алоқа қилиш); ЖК 129-моддаси (ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилиш) ЖК 127-моддаси (Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш); 127[1]-моддаси (Тиланчилик қилиш) иккинчи қисми; ЖК 148[1]-моддаси (вояга етмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланишга йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги талабларни бузиш)

**оғирлаштирувчи таркибли (билвосита):** ЖК 97-моддаси (Қасддан одам ўлдириш) иккинчи қисми “в” банди; ЖК 103-моддаси (ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш) иккинчи қисми “б” банди; ЖК 103[1]-моддаси (ўзини ўзи ўлдиришга ундаш) иккинчи қисми “а” банди; ЖК 110-моддаси (қийнаш) иккинчи қисми “а” банди; ЖК 115[1]-моддаси (Инсонни ундан аъзоларини ва (ёки) тўқималарини трансплантация учун олишга розилик беришга мажбурлаш) иккинчи қисми; 118-моддаси (номусга тегиш) учинчи қисми “а”банди, тўртинчи қисми; ЖК 119-моддаси (жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабий усулда қондириш) учинчи қисми

"а"банди, тўртинчи қисми; ЖК 121-моддаси (Шахсни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш) учинчи қисми "а" банди; ЖК 130-моддаси (Порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш) учинчи қисми; ЖК 131-моддаси (қўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлаш) тўртинчи қисми "а" банди. ЖК 135-моддаси (одам савдоси) учинчи қисми "а" банди; ЖК 137-моддаси (одам ўғрилаш) иккинчи қисми "а" банди; ЖК $141^3$-моддаси (Шахснинг шаънини ва қадр-қимматини камситувчи ҳамда инсон ҳаётининг сир тутиладиган томонларини акс эттирувчи маълумотларни ошкор қилиш) иккинчи қисми "в" банди; ЖК 145-моддаси (Виждон эркинлигини бузиш) иккинчи қисми; ЖК $148^2$-моддаси (меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаш) иккинчи қисми; ЖК $216^1$-моддаси (Ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар фаолиятида қатнашишга ундаш) иккинчи қисми; ЖК 235-моддаси (қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш) иккинчи қисми "д" банди; ЖК $244^2$-моддаси (Диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш) иккинчи қисми "б" банди; ЖК 245-моддаси (шахсни гаров сифатида туткунликка олиш) иккинчи қисми "а" банди; ЖК 278-моддаси (Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш) учиничи қисми. ЖК 277-моддаси (Безорилик) иккинчи қисми "д" банди.

Жиноятларнинг объектив томон таркибига кўра асосий ва оғирлаштирувчи таркибли жиноятларга таснифи, уларнинг ҳуқуқий хусусиятларини тушуниш ва қонунчиликда аниқ белгилашда муҳим ўрин тутади. Қуйида ушбу таснифнинг мазмуни, ҳуқуқий аҳамияти ва натижалари кенг таҳлил қилинади.

Асосий таркибли жиноятлар – қонунчиликда белгиланган содда ёки тўғридан-тўғри жиноят таркиблари бўлиб, уларнинг объектив томони жиноят субъекти томонидан содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик билан яққол намоён бўлади. Бундай жиноятларда қўшимча оғирлаштирувчи шартлар ёки вазиятлар йўқ[8].

Асосий таркибли жиноятларнинг хусусиятлари:

тўғридан-тўғри таъсир: Жиноятнинг оқибатлари аниқ ва жамият учун зарарли бўлади.

қўшимча шартлар талаб қилинмайди: Жиноят таркиби содда ҳолатда намоён бўлади.

ижтимоий хавф даражаси ўртача ёки паст: Асосий таркибли жиноятларда оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас.

Оғирлаштирувчи таркибли жиноятлар – асосий таркибнинг хусусиятларига қўшимча тарзда оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлган жиноятлардир. Бундай жиноятлар ижтимоий хавфлилик даражаси юқори бўлиб, жазо чоралари ҳам қатъийроқ бўлади.

Оғирлаштирувчи таркибли жиноятларнинг хусусиятлари:

қўшимча оғирлаштирувчи ҳолатлар: Ҳуқуқбузарликни оғирроқ даражада намоён қиладиган вазиятлар.

оқибатларнинг жиддийлиги: Жабрланувчи ёки жамият учун катта зарар етказилади.

юқори ижтимоий хавф: Жиноятлар жамиятда қаттиқ қораланади ва қонуний жазо талаб қилинади.

Оғирлаштирувчи таркибли жиноятларнинг объектив томонини таҳлил қилиш уларнинг ижтимоий хавфини ва зарур жазо чораларини аниқлаш имконини беради. Бунда қонунчилик юқори даражадаги таъсирчанликка эришади. Жиноятларни объектив томонга кўра таснифлашнингт аҳамияти шундаки, бу жиноят турларини аниқлаш орқали қонунчиликдаги оғишларни бартараф этшда, тергов жараёнини енгиллаштириш, судларда адолатли ҳукм чиқаришга замин яратиш, жиноятлар учун белгиланган жазо чораларининг мутаносиблигини таъминлаш, жиноятларнинг турли категорияларини таҳлил қилиш ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ҳамда ижтимоий хавфли жиноятларга қарши курашиш стратегияларини ишлаб чиқиш хизмат қилади.

Умуман олганда, хулоса сифатида айтиш мумкинки, вояга етмаганларга қарши жиноятлар турли шаклларда бўлиб, уларнинг ҳар бири жамият учун ўзига хос хавф туғдиради. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ушбу жиноятларнинг ҳар бирини аниқ

тартибга солишга ва уларга нисбатан тегишли жазо чораларини қўллашга йўналтирилган. Қонунчилик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиётини такомиллаштириш орқали ушбу жиноятларга қарши самарали курашиш мумкин.

Вояга етмаганларга нисбатан содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш ва ҳуқуқий муҳофаза тизимини янада самарали ташкил қилиш, ушбу турдаги жиноятларнинг ижтимоий хавфлилигини камайтириш, жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва жиноятчиликни тизимли равишда камайтириш мақсадида қуйидагилар таклиф этилади:

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳимоясини мустаҳкамлаш: Ўзбекистон Республикасида вояга етмаганларга нисбатан содир этиладиган жиноятлар учун қонунчиликдаги жавобгарликни кучайтириш ва жиноятларни аниқлашда аниқ меъёрларни белгилаш.

Зўравонликнинг барча шаклларини барвақт аниқлаш: Болаларга нисбатан зўравонликнинг жисмоний, руҳий ва жинсий шаклларини барвақт аниқлаш учун мониторинг ва ахборот тизимларини яратиш.

Ижтимоий-психологик ёрдам марказлари: Вояга етмаганларга нисбатан жиноятларнинг салбий оқибатларини камайтириш учун психологик ёрдам ва реабилитация марказлари ташкил этиш.

Хавфни баҳолаш ва олдини олиш дастурлари: Вояга етмаганларга хавф туғдирувчи шахсларни аниқлаш учун махсус хавф баҳолаш дастурларини ишлаб чиқиш.

Инспекция тизимини такомиллаштириш: Болаларнинг ҳуқуқлари ва хавфсизлигини таъминлашда мактаб ва маҳалла инспекцияларининг фаолиятини кучайтириш.

**Иқтибослар/Сноски/References:**


**1.** Виноградов А.В., Полтарыгин Р.В. Уголовный закон как средство защиты интересов несо вершеннолетних // Известия Тульского государственного университета. Экономические и юри дические науки. 2016. № 1–2. С. 135. (Vinogradov A.V., Poltarygin R.V. Criminal Law as a Means of Protecting the Interests of Minors // Bulletin of Tula State University. Economic and Legal Sciences. 2016. No. 1–2. P. 135.)

**2.** https://lex.uz/docs/2595909

**3.** Факультативный протокол “К Конвенции о правах ребенка, касающийся торговли детьми, детской проституции и детской порнографии” // https://lex.uz/docs/2683911 (Optional Protocol to the Convention on the Rights of the Child on the Sale of Children, Child Prostitution, and Child Pornography // https://lex.uz/docs/2683911)

**4.** Малая медицинская энциклопедия / Под ред. В.И. Покровского. Т.4. – М.: 1996. –96-б. (Small Medical Encyclopedia / Edited by V.I. Pokrovsky. Vol. 4. – Moscow: 1996. – P. 96.)

**5.** Судебная медицина (Руководство для врачей) / Под ред. А.А. Матышева и А.Р. Деньковского. – Л.: «Медицина», 1985. – 386-б. (Forensic Medicine (A Guide for Physicians) / Edited by A.A. Matyshev and A.R. Denkovsky. – Leningrad: "Meditsina", 1985. – P. 386.)

**6.** “Конвенция о правах ребенка” Принята резолюцией 44/25 Генеральной Ассамблеи от 20 ноября 1989 года // Конвенция о правах ребенка — Конвенции и соглашения — Декларации, конвенции, соглашения и другие правовые материалы ( “Convention on the Rights of the Child” Adopted by Resolution 44/25 of the General Assembly on November 20, 1989. //Конвенция о правах ребенка — Конвенции и соглашения — Декларации, конвенции, соглашения и другие правовые материалы )

**7.** Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон (The Constitution of the Republic of Uzbekistan // National Database of Legislative Information, 01.05.2023, No. 03/23/837/0241.)

**8.** Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм. – Тошкент: “Yuridik adabiyotlar publish”, 2027. – 736. (Rustambayev M.Kh. Commentary on the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan. Special Part. – Tashkent: “Yuridik adabiyotlar publish”, 2027. – 736 p.)

**9.** Уголовное право. Особенная часть. Под. ред. Козаченко И.Я. и Незнамова З.А. - М., 2001.С. 168.(Criminal Law. Special Part. Edited by I.Ya. Kozachenko and Z.A. Neznamov. - Moscow, 2001. P. 168.)

**10.** Ветров Н.И. Уголовное право. Особенная часть: учебник / Под ред. В.Н. Петрашева. М., 1999.С.138 (Vetrov N.I. Criminal Law. Special Part: Textbook / Edited by V.N. Petrashev. Moscow, 1999. P. 138.)

ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

9 ЖИЛД, 12 СОН

# ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 9, НОМЕР 12

# JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 9, ISSUE 12

**Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz**
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz**
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000